O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • uzasziyoli@list.ru • 2007-yil, 23- fevral • № 8 (3888)


# ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН БЕҚИЁС ҲИССАСИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

*Президент Ислом Каримовнинг "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси*

***Савол.*** *Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилиниши юртимизда катта қувонч билан кутиб олинди.*

*Барчамиз яхши тушунамизки, Тошкент шаҳрининг бундай номга сазовор бўлиши оламшумул воқеа бўлиб, ислом оламидаги нуфузли ташкилотнинг бу қарорга келиши бежиз эмас ва унинг ўзига хос сабаб ва асослари бор, албатта. Мана шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларингизни гапириб берсангиз.*

**Жавоб.** Ҳақиқатан ҳам, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти бўлмиш АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда "Ислом маданияти пойтахти" деган ном берилиши мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеадир.

Барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган азим пойтахтимизнинг ана шундай юксак обрў-эътиборга эришгани нафақат халқимизга, айни вақтда яқин ва узоқдаги дўстларимизга ҳам ғурур ва ифтихор бағишлайди, деб ишонч билан айтишга асосларимиз бор.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, у Ислом конференцияси ташкилотининг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, 1979 йили мазкур ташкилотнинг Марокаш давлатининг Фес шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида унга асос солинган. Ислом конференцияси ташкилоти деганда эса, мусулмон оламини бирлаштирадиган ва ўз таркибида 57 та мамлакатни жам этган, халқаро миқёсдаги муҳим ва долзарб масалаларни ҳал қилишда таъсири ва аҳамияти тобора ортиб бораётган нуфузли ташкилотни тушунамиз.

Бир сўз билан айтганда, АЙСЕСКО фаолиятининг асосий йўналишини фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини изчил ривожлантириш, ана шу негизда аъзо давлатлар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш каби муҳим вазифалар ташкил этади.

Шу ўринда мен аввапамбор Тошкент шаҳрини 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилган ана шу ташкилотнинг кўпни кўрган, ислом оламида катта мавқе ва ҳурматга эга бўлган раҳбарлари ва фаолларига мамлакат Президенти, қолаверса, шу юрт фуқароси, мусулмон фарзанди сифатида халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Бу қувончли воқеа муносабати билан кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг элчилари, таниқли олиму уламолардан Ўзбекистон раҳбарияти номига қизғин кутловлар келмоқда. Бу табрикномалар орасида Ислом конференцияси ташкилотининг Бош котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли, Бутунжаҳон ислом лигаси Бош котиби, доктор Абдулла бин Абдулмуҳсин ат-Туркий, АЙСЕСКО Бош директори, доктор Абдулазиз Осман ат-Тувайжирий, Ислом тараққиёт банки Президенти, доктор Аҳмад Муҳаммад Али, Эрон Ислом Республикасининг собиқ Президенти, Маданиятлар ва цивилизациялараро мулоқот халқаро институти директори Саййид Муҳаммад Хотамий, Мисрдаги "Ал-Азҳар" диний марказининг шайхи ва бош имоми, доктор Муҳаммад Саййид Тантавий, Исломобод халқаро ислом университети ректори, доктор Манзур Аҳмад ва бошқа ўнлаб атоқли шахсларнинг юртимиз ва халқимиз шаънига билдирган самимий сўзларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, Ҳиндистон, Туркия, Индонезия, Кувайт каби бир қанча мамлакатларнинг кўзга кўринган давлат ва жамоат намояндалари, оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам шу муносабат билан ижобий фикрлар билдирилгани эътиборга молик.



Шуни айтиш керакки, биз бу инсонларнинг кўпчилигини яқиндан биламиз ва уларни юксак қадрлаймиз. Уларнинг айримлари билан эса ғойибона танишмиз. Матбуотимизда чоп этилган ана шу қутлов ва фикр-мулоҳазалар билан танишар эканмиз, уларда бизнинг қадимий ва бой тарихимиз, миллий қадриятларимизга нечоғлик чуқур ҳурмат ва эҳтиром туйғуси ифода этилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Гарчи бу номалар Ўзбекистон раҳбари сифатида менинг номимга юборилган бўлса-да, уларда битилган табрик ва тилаклар юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларга, бутун халқимизга қаратилганини, табиийки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бир фикрга урғу беришни истардим: агарки тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклари Ўзбекистон тупроғида ётган улуғ аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф аввало ана шундай аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шахсан менга бундай холис ва ҳаққоний баҳодан аввало юртимиз заминида яшаб ўтган мутафаккир боболаримиз, улуғ алломалар ва азиз зотларнинг муборак руҳлари шод бўлаётгандек туюлади ва ўйлайманки, бу фикрга барча юртдошларимиз ҳам қўшилади.

Энди бевосита Тошкентга "Ислом маданияти пойтахти" деб ном беришга асос бўлган омиллар ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларнинг тарихий, маданий ва маънавий жиҳатлари хусусида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, шу фурсатдан фойдаланиб, фақатгина иккита муҳим йўналишга эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Биринчидан, "Ислом маданияти пойтахти" деган тушунча ўзида қандай маъно-мазмунни ифода этади? Иккинчидан, бундай юксак эътирофга сазовор бўлиш учун қандай мезон ва тамойиллар асосий сабаб бўлиши мумкин?

Ҳеч шубҳасиз, бу масалада номзод мамлакатнинг умумий тарихи, хусусан, ислом дини билан боғлиқ тарихи катта рол ўйнайди. Шунингдек, мазкур халқ ҳаётидаги мусулмон динига хос қоида ва арконлар, қадимий анъана ва қадриятлар, ушбу юртнинг асрлар давомида ислом цивилизацияси ва маданиятига қўшган ҳиссаси, бу ерда қандай юксак тафаккур соҳиблари, буюк уламолар яшаб ўтгани ва улар қолдирган илмий-маънавий мерос инобатга олиниши муқаррар. Шу билан бирга, номзод мамлакат томонидан бугунги кунда ана шу ноёб ва мўътабар мероснинг қай тарзда сақлаб, асраб-авайлаб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб ва тараннум этиш юзасидан қилинаётган ишларга алоҳида баҳо берилиши табиий.

Барчамизга маълумки, юртимизда ана шундай мерос собиқ шўро даврида ҳам мавжуд эди. Жумладан, бебаҳо тарихий қўлёзмалар махсус фондларда сақлаб келинар ва улардан фақат тор доирадаги мутахассислар илмий мақсаддагина фойдалана оларди. Бу меросни синфий ва мафкуравий нуқтаи назардан эмас, асл инсоний моҳиятига мос равишда чуқур ўрганиш, маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида талқин ва тарғиб қилишга эса мутлақо йўл қўйилмасди. Бунга журъат қилган одамларнинг қандай тазйиқ ва хавф-хатарларга учраши муқаррарлигини яқин ўтмишимиз билан таниш бўлган ҳар қайси одам яхши билади.

**Давоми иккинчи бетда.**

*Мангу лаҳза*



# БИР ДАСТХАТ ТАРИХИ

Очиғини айтганда сиз кўриб турган сурат Саодат опани шунчалик ҳаяжонга солади, деб ўйламагандим. У кишининг юзидаги ҳаяжон, кўзларидаги ёшни кўриб, ўзим ҳам ғалати аҳволда қолдим. Ахир, ёш тўла кўзлари билан суратни ҳаяжонланиб кўздан кечираётган қаршимдаги аёл Ўзбекистон халқ артисти, опера саҳнамиз юлдузларидан бири, бетакрор санъаткор Саодат Қобулова эди-да.

— Сизни бироз безовта қилиб қўйдим-а, — дедим узрли оҳангда.

— Нималар деяпсиз, — деди Саодат опа. — Сиз бу суратни келтириб мени ҳайратга солдингиз. Мени тарихга, ёшлигимга қайтардингиз. Билсангиз эди ҳозир ичимда нималар кечаётганини. Буни сўз билан ифодалаш қийин.

Қаранг, бу суратга ўттиз саккиз йил бўлибди. Тўғриси, ўзимда ҳам йўқ бу сурат. Орқасидаги дастхатни қаранг. Ажойиб ёзувчимиз, санъаткорларнинг дўсти Собир Абдулланики.

— Саодат опа, шу сурат тарихини билиш мақсадида ҳузурингизга келган эдим. Хотирангиз китобидан худди шу саҳифасини мухлисларингиз билан баҳам кўрсангиз.

— Бу суратга Самарқандда тушганмиз. Ўшанда Самарқанддаги опера ва балет театрида Собир Абдулланинг "Тоҳир ва Зуҳра" асари асосида опера саҳналаштирилганди. Тўғри, у вақтда мен Тошкентда, Алишер Навоий номидаги театрда ишлардим. Бир куни Самарқанд театридан "Саодат опа, бизда Зуҳрани ўйнаб берсангиз", деб қўнғироқ қилиб қолишди. Билсам, у ерда Собир Абдулланинг "Тоҳир ва Зуҳра"си қўйилаётган экан. Ўша пайтларда театр директори устозимиз Мухтор Ашрафий эдилар. Ўзларининг яхши солисткалари бор эди Муҳаббатхон деган, оламдан ўтиб қолибди. Хуллас, Самарқанд опера ва балет театрида қўйилган "Тоҳир ва Зуҳра" операсида Зуҳра партиясини ижро этадиган бўлдим. Ўзбекистон халқ артистлари Ойша Мавлонова Моҳимни, Абдурашид Эргашев Тоҳирни ижро этдилар. Яхши спектакл бўлган эди.

— Саодат опа, ўзи "Тоҳир ва Зуҳра"-да илк бор қачон чиққансиз?

— Бу воқеа Муқимий номидаги мусиқали театрда содир бўлганди. 1941 йил — Иккинчи жаҳон уруши даври эди. Шу театрда қўйилган "Тоҳир ва Зуҳра" спектаклида Зуҳранинг дугонаси Қамарни ижро этдим. Кейинчалик Хоразм шоҳининг қизи Моҳимни ўйнаганман. Лекин бу театрда Зуҳрани ўйнаш насиб қилмади. Энг муҳими, Муқимий номидаги театрда Тоҳир ролини Маъмуржон Узоқов ўйнардилар. Лекин Маъмуржон ака бошида жуда қийналдилар. Ашула айтсалар, саҳнада ҳаракат қилолмайдилар, ҳаракат қилсалар, овозлари тўғри келмай қолади. Бир куни Маъмуржон ака ҳазиллашиб қолдилар: "Ўзим буқоқ, чўтир, хунук бир одам бўлсам, Тоҳир гўзал, келишган йигит, одамлар нимамни яхши кўришади?" Шунда мен "Овозингизни, гўзал, ёқимли ва бетакрор овозингизни яхши кўришади. Ижроингиз билан саҳнада истаган одамни мафтун қила оласиз", дедим. Қандай одам эди-я улар.

— Собир Абдулла билан суратда ота-болалардек ўтирибсизлар...

— Жуда зўр одам эдилар у киши. Менга меҳрлари баланд эди. Уйларига бориб турардим, аёлларининг исмлари ҳам Саодатхон эди. "Тоҳир ва Зуҳра" операси қўйилишида репетицияда ўтирганлар, артистларга ёрдам берганлар...

Саодат опа ҳамкасблари, спектакллар ҳақида анча сўзлаб бердилар. Ўтганларнинг ҳаққига дуо қилиб, ибратли фазилатларидан гапирдилар. Лекин, афсуски, саксондан ошган Саодат опа суратдагиларнинг ҳаммасини танисалар-да, баъзиларининг исм-фамилияларини эслолмадилар. Уларнинг маслаҳатлари билан ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида бош дирижёр бўлган Фазлиддин Ёқубжонов ҳузурига йўл олдим.

Фазлиддин ака суратни кўрибоқ, дарҳол эсладилар, ҳаммаларининг исмларини бирма-бир айтиб бердилар.

**СУРАТДА:** биринчи қатор ***(чапдан) Азиза Тўлаганова (раққоса), Борис Бровцин (композитор), Ўзбекистон халқ артисти Ойша Мавлонова, ёзувчи Собир Абдулла, Ўзбекистон халқ артисти Саодат Қобулова;***

Иккинчи қатор ***(чапдан) Акбар Мўминов (балетмейстер), Муборак Йўлдошев (рассом), Шарипов (актёр), Фазлиддин Юнусов (дирижёр), Бўри Комилов (бош хормейстер), Ўзбекистон халқ артисти Асрор Жўраев, Ўзбекистон халқ артисти Абдурашид Эргашев, Лев Генрихович Мейсел (бош режиссёр).***

***1969 йил.***

**Гулчеҳра УМАРОВА**

## БУГУНГИ СОНДА:


УМРЛАР БЎЛАДИКИ... 3

ЧЎЛПОННИНГ ТАХАЛЛУСИ 4

ТЕЛЕВИЗОРИНГИЗ БИТТАМИ? 6


## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Халқ ижодиётининг қадимий анъаналарини тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб қилишда республикамизда фаолият юритаётган ўқувчилар ижодиёти марказларининг алоҳида ўрни бор. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги марказда тўрт юздан ортиқ тўгарак иш юритмоқда.

Яқинда марказда "Камалак — 2007. Миллий анъаналар ва замонавийлик" шиори остида фестивал-танлов ўтказилади. Танловда тасвирий санъат, графика, зардўзлик, бисер тўқиш, ёғоч ўймакорлиги, миллий каштачилик, шарқ миниатюраси каби тўгаракларнинг аъзолари фаол қатнашиб, шаҳар танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Ш.АСРАНОВА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Мажмуа таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тилла шайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар халқимиз томонидан асрлар давомида асраб-авайлаб келинмоқда.

Бу қутлуғ даргоҳ диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ бўлиб хизмат қилаётганини, айниқса, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони, шунингдек, минг-минглаб ноёб қўлёзмалар жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиб келаётганини таъкидлаш лозим.

Ҳазрати Имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида:

1.Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда бу савобли ишга ҳисса қўшиш ва унда иштирок этиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахсларнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармаси таъсис этилгани маълумот учун қабул қилинсин ва кенг жамоатчиликнинг мазкур жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Жамғарманинг мамлакатимиздаги ташкилотлар, идоралар, корхоналар, тижорат банклари ва бошқа муассасалардан иборат ҳомийлар гуруҳи иловага мувофиқ эътиборга олинсин.

2.Жамғарма Ҳазрати Имом мажмуасида қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориладиган даврда буюртмачи сифатида фаолият юритиши, унинг асосий вазифаси мажмуа ҳудудида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларига кўмаклашиш учун зарур маблағларни тўплаш ва уларнинг мақсадли равишда сарфланишини таъминлашдан иборат экани белгилаб қўйилсин.

3.Жамғарма нотижорат ташкилот бўлиб, унга нотижорат ташкилотлар учун қонунчиликда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилади.

4.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 15 кун муддатда Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг Низомини ўрнатилган тартибда рўйхатга олсин.

5.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 500 миллион сўм миқдорида маблағ ажратсин.

6.Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ҳазрати Имом мажмуасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш, ободонлаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ ишларни мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

7.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил, 20 феврал.*



**"ЖУРНАЛИСТ БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛАРДИМ"**

5

Саъдулла ҲАКИМ

# СЕН УЙҒОНСАНГ УЙҒОНАР ЗИЁ!



### ПИШИҚЧИЛИК

Бир чоғлар ниҳол каби
Кўкда эди нигоҳим.
Ерга эгилиб турар
Энди мевали шохим.

Ёшликда гўзал онлар
Олдиндалиги — бор гап.
Мени илк ҳаяжонлар
Орқага кетар бошлаб.

Ишқ йўлида бўлгани
Тўғри эрур хато ҳам.
Боладикда бол каби
Тотли экан ҳатто ғам.

Отам-онам дер эдим,
Ўйлар эдим бир қизни.
Энди ўғлим-қизим деб
Ўтга ураман ўзни.

Минг орзу-ҳавас ила
Кечар эди ҳар они,
Энди бағримни тилар
Ўтган умр армони.

Нордон эдик, ғўр эдик,
Пўла эдик, пуч эдик.
Ҳақ йўлидан адашиб,
Ҳақ йўлига дуч келдик.

Орқада — фоний умр,
Олдинда — бақога йўл.
Эгам, ўзингта шукр,
Караминг бунчалар мўл.

Буёғи... пишиқчилик,
Пишган кетар, хом қолар.
Бир ташна лабга интиқ —
Жамшид кетар, жом қолар.

Эзгу, савоб ишлардан
Давраларда кетса гап,
Бир сўз биров дермикан
Менинг ҳам номим атаб?

Она-Ватан боғида
Ҳур бўла топдим шараф.
Янтоғи қиёғича
Борми мендан элга наф?

...Бир чоғлар ниҳол каби
Кўкда эди нигоҳим.
Ерга эгилиб турар
Энди мевали шохим...

### УЙҒОҚ ДЕРАЗАЛАР

Ғира-шира тонг қоронғуси
Анҳор бўйин сайр эта туриб,
Кузатаман бир манзарани
Завқланаман ҳар куни кўриб.

Бирин-кетин деразалардан
Зулматга нур қуйилар экан, —
Худди ширин уйқудан кейин
Кўз очгандек туюлар экан.

Асли ўзинг барига шафе,
Сен, эй тангри ёрлақаган зот.
Сен уйғонсанг уйғонар зиё,
Сен уйғонсанг уйғонар ҳаёт!

### ҲАР СЎЗИМ МОНАНД ТУЗАЙ

Кўнгил узгандан манам кўнгил узай,
Меҳр кўргазганга чандон кўргузай.

Ўтди ёлғон ичра умрим қанчаси,
Ҳар қадамни ҳақ йўлида юргузай.

Шеъру борим эгнига зарбоф чопон,
Ҳам яланг бошига қалпоқ кийгузай.

Юрт собит. Дўст беқарор. Ёр минг наво,
Фикратим ҳар қайсига монанд тузай.

Патқалам — офтоб нури, Чорвоқ — давот,
Ҳур Ватан васфини гул бирла ёзай.

Бош қўйиб тупроғини айлай тавоф
Беш маҳал, руҳимга қувват киргузай.

Жоиз ўлса, номусим айлаб камон,
Ҳар сўзим пайкон каби шай тургузай!

### ПУШКИН

Севги, ҳасрат куйчиси,
Асов даҳо, жўшқин руҳ
Чалиб ўтди янгроқ соз,
Мангу шараф топди Рус.

У маккор замон эди,
Ҳар ёнда найранг, ўйин.
Муҳаббат лирасини
Синдирди қора қуюн.

Танҳо эди, Туғилмас
Энди, Пушкин бошқа йўқ.
Аммо кезиб юрибди
Шоирга отилган ўқ!

### АЗИЗАМ

*филмга қўшиқ*

Азизам,
Сен менинг
Тақдир қилмаган тақдирим,
Сен менинг
Сир ичида сир тутган сирим,
Азизам.

Азизам,
Мени ҳеч ким сенчалик
Яхши кўрмаган бунча.
Сени ҳеч ким менчалик
Севмас ўла-ўлгунча,
Азизам.

Азизам,
Сен кўксимда "ку-ку"лаб
Турган бедор қумрисан.
Умримнинг муҳаббати,
Муҳаббатим умрисан,
Азизам!

### ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАР

*Ҳазил*

1.
Билмайман, бу бормикан динда,
Қишлоқларда одатий бир ҳол.
Эркак уч-тўрт қадам олдинда,
Орқароқда юради аёл.

Эркакларга бу жуда ёқиб,
Биз зўр-да, деб кўкракка урар:
"Йўталсак, бас, хотин боёқиш
Изимизда пилдираб юрар".

Аёллар дер: "Бизда эр эрки,
Эр эмас, биз ғолиб юрамиз.
Бир им қоқиб, ҳар қандай эрни
Олдимизга солиб юрамиз!"

2.
Шукру салом минг бир ҳазор,
Минг бир ҳазор ҳамду сано.
Одам зотин парвардигор
Обу гилдан этмиш бино.

Сувга ўхшар эркак зоти,
Юз феъли хўб, бири ёмон.
Қия жойга дуч келса, бас,
Оқиб кетар ўша томон.

Аёл зоти ўхшар гилга,
Юз феъли хўб, бири қизиқ.
Қанча қорсанг зуваласин
Шунча яна бўлар пишиқ.

Шукру салом минг бир ҳазор,
Минг бир ҳазор ҳамду сано.
Одам зотин парвардигор
Оби гилдан этмиш бино.

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ

# ҲУСНИГА ЛОЛ ҚОЛМИШ ФАЛАК



"Эл-юрт таянчи" ҳайкали
қошидаги ўйлар

*Чирой очмиш бу шаҳри азим,*
*Ҳуснига лол қолмишдир фалак.*
*Ўзлиги бор қадим воҳага*
*Юртбошимиз меҳри ҳам бўлак.*

*Тўй баҳона топгандир сайқал*
*Жаҳонга бўй кўрсатган Насаф —*
*Қад ростлаган оила-ҳайкал,*
*Узукка мос тушган кўз — садаф.*

*Довруғини тан олган жаҳон,*
*Ортиб борар шон, эҳтироми.*
*Ўтса ҳам-ки неча бир замон,*
*Ўчмас дилдан фарзандлар номи.*

*Насафийлар яратган илм —*
*Фанга ҳисса бўлган муносиб.*
*Зиё, нурдир заковат, билим*
*Келган олис шонли йўл босиб.*

*Мард, тантилик толедан эҳсон,*
*Ҳамроҳ мудом эзгу ўй, хаёл.*
*Бўй кўрсатиб гўзал хиёбон,*
*Ақли ҳушни қолдиради лол.*

*Товланади гуллар ранго-ранг,*
*Кўнгилларга ҳаяжон солар.*
*Меҳмонларни этар ҳангу манг,*
*Савлат тўкиб кўркам бинолар.*

*Келажаги янада порлоқ,*
*Эгасини топмишдир қадр.*
*Томошабин йўлига муштоқ*
*Ўзига хос Амфитеатр.*

*Ҳикоятлар мавж урар тўлиб,*
*Ҳар бир кошин муқаддас, сирли.*
*Мен ҳам битта фарзанди бўлиб,*
*Иш қилдимми бирор арзирли?!*

*Шайдодирман кўрк, чиройига,*
*Мавжларига тўш уриб жўшай.*
*Бош урайин ҳар он пойига,*
*Поёндоздай меҳримни тўшай.*

*Шубҳа, гумон сололмас ғулу,*
*Кўрганим ким қилолгай инкор?*
*Эзгу ҳар иш яшайди мангу,*
*Бу ҳаётда Ватан барқарор.*

*Йиқилганни бўлгай суянчи,*
*Юз очади орзулар қат-қат.*
*Элу юртнинг шонли таянчи —*
*Меҳнаткаш халқ яшайди абад.*

### *БИР КЎРИШ ШАВҚИДА...*

*Нима бор оламда висолдан ортиқ,*
*Кўкларга чорлаган хаёлдан ортиқ,*
*Учрашмоқ — аслида худодан тортиқ,*
*Бир кўриш шавқида интизор бўлдим.*

*Яшашимдан мен фақат Ҳаққа интилиб,*
*Бешафқат ҳижронлар бағрини тилиб,*
*Хатолар қилдим кўп билмай, ё билиб,*
*Улгуриш завқида интизор бўлдим.*

*Гоҳо отда кездим, гоҳ отга минмай,*
*Довон, ғовдан ошдим шаштларим синмай,*
*Кўпириб қирғоққа тўш урган тинмай*
*Тўлқинлар мавжида интизор бўлдим.*

*Дард қолсам қўллади азиз пирларим,*
*Ошкора айтилди кўнгил сирларим,*
*Ғам чексам, дардлашди фақат шеърларим,*
*Ҳаётим авжида интизор бўлдим.*

*Мастона айлади бу гуллар мени,*
*Сафига чорлагай булбуллар мени,*
*Қайларга етаклар бу йўллар мени,*
*Қизиқдим-да жуда, интизор бўлдим.*

*Рад қилди, ишқ изҳор айладим қайта,*
*Кўнглмни орзуга бойладим қайта,*
*Ишқни изҳор қилдим қўшиқлар айта,*
*Балки мен беҳуда интизор, бўлдим.*

### *ВАТАН*

*Сарҳадлари пурвиқор, юксак,*
*Эшдир унга ёрқин келажак,*
*Кўксимизда лов ёнган юрак*
*Зарбларидан бошланар Ватан.*

*Садосидир жўш урган қоннинг,*
*Ибтидоси қучилган шоннинг,*
*Танти, ўктам ҳар қиз-ўғлоннинг*
*Қалбларидан бошланар Ватан.*

*Нола чекса бағир бўлар хун,*
*Ҳар бир гарди тўтиёдир чин,*
*Керак бўлса қарич ер учун*
*Ҳарбларидан бошланар Ватан.*

*Курашлардан олмаган ҳадик,*
*Ўлимга ҳам боқа олган тик,*
*Шоирларнинг гулдан ҳам нозик*
*Таъбларидан бошланар Ватан.*

*Назокатли гулгун баҳорнинг,*
*Масканидир ғурурнинг, орнинг,*
*Садоқатли севимли ёрнинг*
*Лабларидан бошланар Ватан.*

*Гар бепарво бўлиб қолсак гоҳ,*
*"Муқаддасдир мисли саждагоҳ" —*
*Пайғамбарлар айлаган огоҳ*
*Гапларидан бошланар Ватан.*

### *ЧАВАНДОЗЛАР ҚЎШИҒИ*

*Ишқим Ғиротга тушди,*
*Толмас қанотга тушди,*
*Совринга — зотга тушди,*
*Урҳо-ё, урҳо.*

*Учиб борар Бойчибор,*
*Шиддати дарёча бор,*
*Дунё келар унга тор,*
*Урҳо-ё, урҳо.*

*Бобомдан алплик мерос,*
*Қўйганман отга ихлос,*
*Тантилиги менга хос,*
*Урҳо-ё, урҳо.*

*Улоқ — мардлар ўйини,*
*Излаб бордим тўйини,*
*Ёр кўрсатсин бўйини,*
*Урҳо-ё, урҳо.*

*Муҳаббатда мен нўноқ,*
*Уйига бўлдим қўноқ,*
*Эртага чопгум улоқ,*
*Урҳо-ё, урҳо.*

*Чидамлидир такаси,*
*Гул таққан уй бекаси.*
*Улоқ чопар акаси,*
*Урҳо-ё, урҳо.*

*Орзулар дилда қат-қат,*
*Чопағон кутмас шафқат.*
*Ҳалоллаб олгай фақат,*
*Урҳо-ё, урҳо.*

*Такани қилма нимта,*
*Уни босгин тақимга,*
*Ҳақинг берма ҳеч кимга,*
*Урҳо-ё, урҳо.*

*Дўстлар, тиланг, бахт кулсин,*
*Отимдан кўнглим тўлсин,*
*Юртда ҳар кун тўй бўлсин,*
*Урҳо-ё, урҳо.*

# УМРЛАР БЎЛАДИКИ...



Мақсуд Шайхзода деганда "Мирзо Улуғбек", "Жалолиддин Мангуберди" каби ўлмас драмалар, бeқиёс таржима асарлар ва адабий тадқиқотлари билан адабиётимизда порлоқ из қолдирган ҳассос шоир қиёфаси кўз олдимизга келади.

Шўролар ҳукмронлигининг оғир йилларида ўз асарлари орқали миллий ғурур ва Ватан туйғусини тараннум этган, китобхонлар қалбида халқимизнинг буюк ўтмишига катта муҳаббат уйғотган Мақсуд Шайхзода каби ижодкорларимиз маънавий меросига мустақиллик йилларида катта эҳтиром кўрсатилди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа ўнлаб фидойи ижодкорларимиз қаторида Мақсуд Шайхзода ҳам "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

Шоирнинг дилбар шеър ва таржималари кириб бормаган ўзбек хонадони йўқ, десак асло янглишмаймиз. Адабиётимиз ихлосмандлари учун шоир ижоди тенгсиз хазина. Унинг шеърлари мухлислар тилида ҳамон жаранглаб турибди.

Шоир ёзганидек:

**Умрлар бўладики,**
**Тиригида ўликдир.**
**Умрлар бўладики,**
**Ўлган одам тирикдир.**

*Хотира*

Куни кеча шоир вафотининг қирқ йиллиги муносабати билан Чиғатой қабристонидаги Мақсуд Шайхзода қабри зиёрат қилинди. Шоир ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйилди. Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов ва бошқа ижодкорлар М. Шайхзода адабий мероси ва унутилмас хотираси ҳақида сўзладилар. Адабиёт ва санъат намояндалари, олимлар ва талабалар иштирок этган хотира маросимида шоир шеърларидан ўқилди.



## ҒАМ ЧИЛЛАСИ



*Менинг муҳаббатим нимага арзир,*
*Нимага арзирди ёниб куйганим.*
*Меҳр бу суннатдир, меҳр бу фарздир,*
*Сени худо суйсин, менинг суйганим.*

**Эшқобил ШУКУР**

Эр-хотин бир-бирларининг кўзларига тик қарашолмасди. Ахир бугун ўттиз еттинчи кун, нигоҳлар тўқнашуви қалбларда исён кўтараётган вулқон оғзини осонгина очиб юбориши мумкин... Аёл шундан қўрқарди, қўрқардигина эмас, балки даҳшатга тушарди.

Ажрашишга қарор қилганларига ўттиз етти кун бўлди, аммо аввалгиларидан кўра шу — ўттиз еттинчи кун ғоят секин, имиллаб ўтаяпти. Эр кет деёлмас, хотин эса кетай демасди. Авваллари аёл эрининг кўнгли нима овқатни тусаса ўшани муҳайё қиларди. Ҳозир эса «Нима овқат қилай?» дейишга ботинолмайди. Эри ҳамма нарсага лоқайд, бепарво. Эшикдан кирган киши юрагини хонадаги сукунат исканжага олади.

Шундай бўлса-да, улар меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олишга уринадилар. Ўртадаги ришта узилай-узилай деб турганини сездирмасалар-да, меҳмонлар қандайдир носамимиятликни пайқашарди. Иккаласи ҳамон бир тўшакда уйқуга ётишади, аммо юрак ютиб бир нима демайдилар. Тун бўйи ўзларини ухлаганга солишади, бироқ бу алдовни яшириб бўлмайди, нимадир, ўзлари ҳам тушунмаётган бир туйғу юракларини кемириб ётади. Аёл эрига сездирмасдан кўз ёш тўкади, эр эса ич-ичидан оғир хўрсинади. Қанийди, аввалгидай, хотинининг дардини сўролса, кўнглини кўтаролса... Дардини биларди, билардию — шу кунларга ҳам хотима ясалишидан қўрқарди. Улар ўн уч йил бирга яшадилар, шунча вақт фарзанд кўришдан умидларини узмадилар. Ёшлари қирққа борганда фурсат ўтаётганини пайқаб етишди. Ўртадаги меҳр, балки севги боис эр хотинга, хотин эрга бир нима демади. Аксинча, бир-бирларини аяшди, ҳатто бир-бирларига яхшилик қилмоқчи бўлишди. Яхшилик эса ажралиш эди.

Аёл эрим бошқа хотин олса, балки фарзандли бўлар, мен унинг умрини бекорга ўтказяпман, деб хижолат чекарди. Эр ҳам деярли шу фикрда эди. Булардай бахтли, аҳил-иноқ оила камдан-кам топиларди. Эҳтимол, бу бахтга кўз теккандир. Нима бўлганда ҳам, тақдирлари тахир чиқди...

Яна азобли тун. Аёл бедор. Наҳотки вужуд-вужудигача севган, меҳрибон кишисидан ажраса? Қандай яшайди? Бунчалар даҳшат... Майли, шундай азоб чексин, лекин тонг сира отмасайди. Болиш жиққа ҳўл. Қовоқлар оғирлашган, танда мадор йўқ. Жойидан турсинми? Туриб нима ҳам қиларди? Доимгидай чой қўйсинми? Ким ичади ўша чойни?..

Кетиши керак. Хаёлига шу ўй келдию сергак тортди. Кетмаса бўлмайди! Шундай чиқиб кетаверсинми? Нимани олсин? Ҳеч нарса олмайди бу уйдан. Кераги йўқ.

Аёл эрига қаради — ранги бир аҳволда. Касали хуруж қилган кўринади. Ҳамма нарсани унутиб, чой қайнатди, ғаладондан керак-нокерак дориларни олди.

Ғам-ташвиш, ўй-хаёл эрининг тинка-мадорини қуритган эди. Ювиниб келиб, нонуштага ўтирди. Хотини уни зимдан кузатарди.

Аёлнинг кўнглида кетиш фикри яна уйғонди. "Менинг кетишим дардига даво бўлса, ажабмас".

Ўттиз саккизинчи кун янада оғир бошланди. Аёл бугун кетиши зарурлигини биларди, шундай бўлса-да, уйдан бирор юмуш қидира бошлади. Ҳаммаёқ озода, жой-жойида, қиладиган ишнинг ўзи йўқ. Иккаласи яшайди... Уйни ким ҳам ивирситарди. «Кетиш керак»... Аёл эшикка қараб юраги увишди. Қаёққа кетади? Хона ичида бироз айланди. Наҳотки, ҳаммаси тамом, йўқ, нимадир қилиши керак. Нима қилсин, кир ювсинми? Аёл хаёлига келган фикрдан севиниб кетди. Кир ювади, то дармони кетгунча кир ювади. Эри ва ўзининг қишки-ёзги кийимларини, кўрпа-ёстиқ жилдларини, адёлларни йиғиб олди. Дазмоллаб қўйган кўйлакларни ҳам ваннага ташлади. Аслида кир буюмнинг ўзи йўқ... Кир ювиши керак, кир. Ҳамма кирларни ювиб ташлаши керак.

Эр хонасидан чиққанда, ҳаммаёққа ювилган кийимлар осиб қўйилган эди.

Аёл эрини кўргач, кечки овқатга уннаши лозимлигини эслади. Нарибери кечлик қилдилар.

Тун. Мунча азоб экан, ғам туни... Юраклар ёнма-ён, вужудлар бир-бирига тегиб кетишдан ҳайиқади. Жон қоврилади, кўзлардан ёш қуйилади. Аёл бу азобга чидаёлмасдан қўлини эрининг қўлига қўйди. Шу заҳоти иссиқ бир кафт қўли устига тушди. Куйдирди. Аслида эрининг ўзи шундай қилмоқчи эди, аммо ички бир ғурур, балки қайсарлик бунга изн бермаётганди. Аёл қўлини шартта тортиб олди. Чунки у кетиши керак...

Ўттиз тўққизинчи кун... Аёл «Бугун кетаман, албатта, кетаман», дея ўрнидан турди. Юзини ювиб, эрига кўзи тушди-ю, юраги тўкилиб кетди. Наҳотки энди бегоналардай яшашса? Наҳотки энди бу уйда... Эшикни очди. Кетиш... нақадар даҳшат. Остона ҳатласа тамом, бу уй юзини умрбод кўрмайди. Уй ичидан қандайдир бир куч келди-да, аёлни остонадан ҳатлашга қўймади. Қўллари ўз-ўзидан эшикни ёпиб қўйди. Аёл яна эрининг ёнига кирди, севган кишисига бегона бўлиб яшагандан ўлган афзал эмасми?!

Эри гўё ҳушсиз ётарди. Китоблар, газеталар қатидан излаганини тополмади шекилли, китобхонасига кирмай қўйди. У бутунлай умидсизликка тушган эди. Аёл учун эса чинакам дўзах азоби энди бошланганди.

Узун кун тугади, тун кирди, еру осмоннинг зулмати шу хонага йиғилди. Аёл ҳушига келганда хона зим-зиё эди. Кўнгли алланечук беҳузур бўлди... Ўқчиди. Қайд қилай деса, ичида ҳеч вақо йўқ. Ўқчиқ зўридан зардоб қусди. Эр ўрнидан туриб чироқни ёқди, қўрқиб кетди. Хотинини бундай аҳволда илк бор кўраётгани учун эсанкираб қолди. Зудлик билан дўхтир чақиртирди. Аёлини текшираётган дўхтирнинг хотиржамлигидан зардаси қайнади. Врач эса бамайлихотир, "Ҳечқиси йўқ, ҳомиланинг таъсири, тезда ўтиб кетади", деди. Эр-хотин бир-бирларига қараганча қотиб қолдилар. Дўхтир тиббий жиҳозининг қора чизиқларига узоқ тикилиб, «Ҳомила қирқ кунлик бўлибди», деди.

Тонг ёришди. Улар қирқ кун ғам чилласида ўтирдилар.

**Барно РАҲМОН**

Алишер НАВОИЙ

# СЕН АГАР ТАРКИ ТАМАЪ ҚИЛСАНГ, УЛУҒ ИШДУР...

***Йигитликда йиғ илмнинг махзани,***
***Қарилик чоғи сарф қилғил ани.***

* * *

***Сен агар тарки тамаъ қилсанг,***
***улуғ ишдур буким,***
***Олам аҳли барча бўлғай бир тараф,***
***сен бир тараф.***

* * *

***Кимки бир кўнгли бузуғнинг***
***хотирин шод айлагай,***
***Онча борким, Каъба вайрон бўлса,***
***обод айлагай.***

* * *

***Бу коргаҳда хато келмади чу***
***бир сари мўй,***
***Хато менинг назаримдандур,***
***хато кўрсам.***

* * *

***Агар золимга йўқдур шоҳдин бок,***
***Эрур ул хушдилу, мазлум ғамнок.***

* * *

***Агар кимсадин зоҳир ўлса ёмон,***
***Кўрар ҳар неким,***
***зоҳир этди ҳамон.***

* * *

***Агар тузлук ўлса кишининг иши,***
***Не васф айлай олғай ишини киши.***

* * *

***Аблаҳ ани билки,***
***оламдин бақо қилғай тамаъ,***
***Аҳмақ улким, олам аҳлидин***
***вафо қилғай тамаъ.***

* * *

***Яхши кишилар бирла***
***тутар бўл суҳбат,***
***То бергай амон шарирдин***
***ул суҳбат.***

* * *

***...аждаҳони ишқ этар мўр.***

* * *

***Айлама ўз раъйингга кўп эътиқод,***
***Муътамад эл раъйидин иста кушод.***

* * *

***Асра ўзунгни биров озоридин,***
***Кимсага озурдалиқ изҳоридин.***

* * *

***Агар ҳикматга бўлса илтифотинг —***
***Ки, бўлсун Нуҳ умрича ҳаётинг!***

* * *

***Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосиға сазовор этар.***

* * *

***Бийиклик келди ҳимматдин нишона,***
***Ки, ҳимматсизни паст этди замона.***

* * *

***Бўлса керак фикр ила шоҳи замон,***
***Яхшига яхшию, ёмонга ёмон.***

* * *

***Беишқ улусқа ком уйқу,***
***Ишқ аҳлиғадур ҳаром уйқу.***

* * *

***Бефойда иш натижа бермас.***

### *Минг бир ҳикмат*

* * *

***...бу гулшан аро***
***гул бутмас эрмиш хорсиз.***

* * *

***Бурунғи йиллар ошлиқни яхши асрангким, сўнгги йилларда ярағай.***

* * *

***Вафосиздур замон аҳли,***
***замонда не вафо бўлғай,***
***Вафо аҳли булардин***
***гар вафо истар, эрур нодон.***

* * *

***Дардим оғирроқ тоғдин,***
***хошокдин жисмим енгил.***

* * *

***...дардқадур чора сабр.***

* * *

***Гар йўқтур адаб,***
***не суд олтун унидин,***
***Элнинг адаби***
***хушроқ эрур олтунидин.***

